

**Марказий банк томонидан Молиявий саводхонлик бўйича
ўтказиладиган Олимпиада
ҚОИДАЛАРИ**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 Ушбу Қоидалар молиявий саводхонлик бўйича ўтказиладиган олимпиадани (бундан буён матнда – олимпиада) ташкил этиш тартибини белгилайди.

1.2 Олимпиада ёшлар эътиборини молиявий саводхонликка жалб этиш мақсадида Марказий Банк томонидан интеллектуал мусобақа тарзида ўтказилмоқда.

1.3 Олимпиада икки босқичда – саралаш ва финал босқичларида ўтказилади.

1.4 Олимиада молиявий саводхонлик бўйича энг юқори балл тўплаган интеллектуал беллашувлар ғолибларини аниқлайди.

2. ОЛИМПИАДА МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Олимпиада ўтказишдан асосий мақсад талабаларнинг молиявий саводхонлик, молиявий хизматлар истеъмолчиларининг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва молиявий математика соҳаларидаги билимини ошириб, таълим ва тадқиқот йўналишидаги ишларини рағбатлантиришдан иборат. Бунинг учун қўйидаги вазифалар бажарилади:

- олий ўқув юрти талабалари ўртасида молиявий саводхоникни тарғиб қилиш ҳамда уларнинг молия соҳасидаги билимларини ошириш;
- молиявий саводхонлик ва молиявий математика соҳасида талабаларнинг кўнималарини ҳосил қилиш;
- талабаларнинг интеллектуал қобилиятларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, билим, коммуникатив, амалий ва ижодий фаолиятда тажриба орттириш;
- талабаларда молиявий маданият шакллантириш.

3. ОЛИМПИАДА ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

Олимпиада ташкилотчилари:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

4. ОЛИМПИАДА ИШТИРОКЧИЛАРИ

Ушбу олимпиада олий таълим муассасалари 1-3 босқич талабалари ўртасида ўтказилади. Талабаларнинг Олимпиадада иштирок этиш ҳуқуки паспорт/идентификацион ID-карта ёки талабалик гувоҳномаси (ўкув даргоҳидан маълумотнома) ёрдамида тасдиқланади.

5. ОЛИМПИАДА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Олимпиада икки босқичда – саралаш ва республика босқичларида ўтказилади.

5.1. Олимпиада саралаш босқичи

Саралаш босқичида Олимпиадада қатнашиш истагини билдирган ҳамда рўйхатдан ўтган талабалар иштирок этади. Олимпиаданинг саралаш босқичи масофавий шаклда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг онлайн олимпиадалар платформасида бўлиб ўтади.

Саралаш босқичида апелляцияларни кўриб чиқиш кўзда тутилмаган.

5.2. Олимпиада Республика босқичи

Олимпиаданинг республика босқичида саралаш босқичида 75% ва ундан ортиқ саволларга тўғри жавоб берган талабалар иштирок этишлари мумкин. Республика босқичининг ўтказиши Тартиби саралаш босқичи ўтказилганидан сўнг белгиланади ҳамда Олимпиада бўйича маълумотлар нашрларида қўшимча равишда эълон қилинади.

Чемпионат финалида апелляциялар кўриб чиқиш кўзда тутилган.

6. ФОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Олимпиада саралаш босқичи

Саралаш босқичи тест шаклида ўтказилади. 1,5 соат ичида иштирокчилар олимпиада дастурига мос келадиган **20 та тест саволлари**га жавоб беришлари керак.

Тест синовлари учун максимал балл - **100 балл**.

Саралаш босқичида апелляцияларни кўриб чиқиш кўзда тутилмаган.

6.2. Олимпиада Республика босқичи

Олимпиаданинг республика босқичи масалалар ечиш шаклида ўтказилади. Иштирокчилар 1 соат 30 дақиқа ичида олимпиада дастурига мос келадиган **5 та молиявий масалаларни** ечишлари керак.

Молиявий масалаларни ечиш учун максимал балл - **100 балл**.

Олимпиаданинг республика босқичи ғолиблари (I, II ва III ўринлар) республика босқичи иштирокчилари топшириқларни бажаришда тўплаган баллари йигиндиси билан аниқланади.

Агар иштирокчиларнинг баллари тенг бўлса, олимпиаданинг республика босқичи ғолибларни аниқлаш учун қўшимча топшириқ берилади. Ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолибларни аниқлаш учун қўшимча вазифалар баҳоланади.

Финал босқичида апелляцияларни қўриб чиқиш кўзда тутилган.

7. ОЛИМПИАДА ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ ҲАМДА ҲАКАМЛАР ҲАЙЪАТИ

Молиявий саводхонлик бўйича олимпиада ташкилий қўмитаси таркиби Марказий банк, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги вакилларидан иборат бўлади ва қўйидагиларни амалга оширади:

- олимпиаданинг саралаш босқичи ва республика босқичи вазифалари учун тест саволларини ишлаб чиқиш;
- баҳолаш мезонларини аниқлаш ва ҳар бир босқич вазифаларига жавобларни текширишни ташкил этиш;
- олимпиада тартиби ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш;
- олимпиада ғолибларини тақдирлаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Олимпиада иштирокчилари натижаларини баҳолаш учун Ўзбекистон Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги вакиллари ҳамда молия соҳасидаги бошқа экспертлардан иборат Ҳакамлар ҳайъати тузилади.

Олимпиада ташкилий қўмитаси огоҳлантирмасдан туриб 4-бандда кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган шахсларни иштирокчилар рўйхатига киритмасликка ҳақли.

8. РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА АПЕЛЛЯЦИЯЛARНИ ҚЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

Апелляция Олимпиада иштирокчисининг Республика босқичи синовлари натижаларини баҳолаш хулосаларига норози бўлган вақтда ўтказилади. Ҳар бир иштирокчи апелляция учун ариза бериш ҳуқуқига эга.

Апелляцияларни қўриб чиқиш тинч ва дўстона муҳитда амалга оширилади. Апелляция берган Олимпиада иштирокчисига унинг иши

Олимпиада мезонлари ва методикаси асосида текширилгани ҳамда баҳоланганига ишонч ҳосил қилишимконияти тақдим этилади.

Республика босқичи иштирокчисининг апелляцияси Олимпиада Ҳакамлар ҳайъати томонидан Республика босқичи ўтказилган кунида тегишли ариза берилган вақтдан бошлаб кўриб чиқилади.

Апелляция бериш учун Олимпиада Республика босқичи талабаси Олимпиада Ташкилий қўмитасига ёзма ариза беради. Апелляцияга ариза натижалар эълон қилингандан бошлаб 1 соат мобайнида белгиланган шаклда қабул қилинади. Белгиланган муддат ўтганидан сўнг тақдим этилган шикоятлар қабул қилинмайди.

Апелляцияни кўриб чиқиш натижалариға асосан қуидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

- апелляцияни бекор қилиш ва эълон қилинган балларни ўз кучида қолдириш;
- апелляция шикоятини қондириш ва балларга тузатиш киритиши.

Республика босқичи вазифаларини баҳолаш мезонлари ва методикаси апелляция шикояти предмети бўла олмайди ва қайта кўриб чиқилмайди. Агар Олимпиада Республика босқичи иштирокчисининг апелляция шикояти фақат баҳолаш мезонлари ва методикасининг тўғрилигига норозиликдан иборат бўлса, бундай шикоят қабул қилинмайди.

Олимпиада Республика босқичи бўйича сўнгги натижалар Олимпиада Ҳакамлар ҳайъати томонидан апелляциялар натижаларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланади.

9. ОЛИМПИАДА СОВГАЛАРИ

Ўқиши бўйича тўловларни амалга ошириш мақсадида тақдим этиладиган пул мукофотларининг ҳажми:

- 1 ўрин – 7,0 млн. сўм**
- 2 ўрин – 5,0 млн. сўм**
- 3 ўрин – 3,5 млн. сўм**

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Барча низоли масалалар ёки ушбу Олимпиадани ташкил этиш Қоидалари билан тартибга солинмаган масалалар Ташкилий қўмита томонидан зудлик билан ҳал қилинади.

Бундай масалалар бўйича Ташкилий қўмита раисининг қарори якуний ҳисобланади.

Олимпиада тадбирлари эълонлари ва натижалари тўғрисида маълумотлар бериш Марказий банк, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва олий ўқув юртларининг расмий веб-сайтларида ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида амалга оширилади.